

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИЗОВА ЗУЛФИЗАРХОН ФАЗЫЛОВНА

**ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ ВОСИТАСИДА МАКТАБГАЧА КАТТА
ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК СИФАТЛАРНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Азизова Зулфизархон Фазыловна

Кўғирчоқ театри воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш..... 3

Азизова Зулфизархон Фазыловна

Формирование нравственно-эстетических качеств у детей старшего дошкольного возраста посредством кукольного театра..... 25

Azizova Zulfizarxon Fazilovna

Formation of moral and aesthetic qualities in senior preschool children through puppet theater 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАЎБАР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИЗОВА ЗУЛФИЗАРХОН ФАЗЫЛОВНА

**ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ ВОСИТАСИДА МАКТАБГАЧА КАТТА
ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК СИФАТЛАРНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Ped.869** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.mdomoi.uz) ҳамда «Ziyouet» ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Кадырова Фотима Рашидовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Бабаева Доно Разаковна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи танкилот:

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Диссертация химояси Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 29 май соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси 64-уй. Тел.: (99871) 150-01-27; факс: (99871)150-01-27; E-xat: mtm-malaka.oshirish@exat.uz).

Диссертация билан Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишини мумкин 8-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100070, Тошкент шаҳри Яққасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси 64-уй. Тел.: (99871) 150-01-27; факс: (99871) 150-01-27; E-xat: mtm-malaka.oshirish@exat.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил 15 кун тарқатилди.
(2020 йил "15" 05 даги 8 рақамли реестр баённомаси).



Қ.Т.Олимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Д.О.Химматалиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.д.

М.Т.Мирсолиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда мактабгача ёшдаги болаларнинг ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришнинг асосий мақсадларидан бири сифатида шахс ва таълимий муҳитнинг эмоционал таъсир даражасини такомиллаштириш, ижобий йўналганликка эга субъектив тажрибани бойитишга катта эътибор қаратилмоқда. “Санъат воситасида терапия” тамойилига устуворлик бериш асосида эстетик тарбия жараёнида тарбияланувчиларда ўз-ўзини намоён этиш (self-expression), ўз имкониятларини эркин намоён қилиш (self-realisation), “ўз-ўзига ишонч” (self-confidence), “ўз-ўзини баҳолаш (self-evaluation) сифатларини ривожлантириш мактабгача таълимнинг метакомпетенциялари тавсифини ўзида акс эттиради. Айниқса, интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни бадий-эстетик ривожлантириш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда атроф-муҳитни сенсор идрок этиш орқали илк ёшдан болаларда ахлоқий-эстетик тасаввурларни шакллантириш, интеграллашган машғулотлар орқали тарбияланувчиларни бадий-эстетик ривожлантириш методикасини такомиллаштиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга компетенциявий ёндашув асосида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш, имитацион ва ўйин технологиялари асосида тарбияланувчиларни бадий-эстетик ривожлантиришга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, арттехнологиялар, яъни тасвирий санъат, кўғирчоқ, эртак терапия воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришнинг методик шарт-шароитларини такомиллаштириш муҳим долзарблик касб этади.

Республикамизда мактабгача таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида ривожлантиришнинг ташкилий-методик таъминотини ишлаб чиқишга катта аҳамият қаратилмоқда. Шу билан бирга, “Илк қадам” мактабгача таълим муассасаси ўқув дастурини амалга ошириш жараёнида компетенциявий ёндашув асосида тарбияланувчиларнинг ахлоқий меъёр ва қадриятларни фаол ўзлаштириши, шахслараро мулоқот кўникмаларини таркиб топтириш, идеал “Мен” образини яратиш билан боғлиқ мақбул фаолият усуллари ишлаб чиқиш долзарблик касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “Мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мактабгача таълим тизимида инновацияларни, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш¹ каби устувор вазифалар белгиланган. Бу эса, мактабгача катта ёшдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.05.2019 й., 07/19/4312/3106-сон.

болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни кўғирчоқ театри воситасида ривожлантиришнинг методик тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 5 апрелдаги “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3651-сон, 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сон Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 391-сон Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мактабгача ёшдаги болаларда диалогик нутқни ривожлантириш омиллари, болаларни миллий кадриятлар асосида ахлоқий тарбиялаш, ақлий ривожланиш хусусиятлари, мактабгача катта ёшдаги болаларни теварак-атрофни ўрганишдаги боғланишли нутқини ривожлантириш, болаларнинг тасвирий саводхонлик тушунчаларини шакллантириш, театрлаштирилган майдон томошалари драматургияси ва режиссураси муаммолари, мактабгача таълим ёшидаги болаларда атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантириш, мактабгача ёшдаги болалар маънавий тасаввурлари шаклланишида ролли ўйинлар ижтимоий психологик хусусиятларининг таъсири, талабаларни мактабгача таълим муассасаларида болаларга эстетик тарбия беришга тайёрлаш масалалари республикамиз олимларидан Ф. Кадырова, Ш.Шодмонова, К.Мамедов, Д.Бобоева, Д.Собирова, М.Умарова, К.Раҳимова, Ф.Валихўжаеваларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Мактабгача ёшдаги болаларни кўғирчоқ театрини кўриш, “яхши” ва “ёмон”ни тушуниб етиш ва ажратишга ўргатишда болаларда равон нутқни ривожлантириш ҳамда луғат захирасини ошириш, халқ эртакларининг моҳият мазмунини таҳлил қилиш, болаларнинг театр сахнасида табиат ва асар (эртак) қахрамонларининг гўзалликни ҳис этиши, халқ миллий анъаналаридан фойдаланиш, болаларнинг эстетик дидини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Ф.Кадырова, И.Дўстхўжаева, Р.Қодирова, М.Ҳайдаров, С.Абдуллаеваларнинг илмий изланишлари диққатга сазовордир.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан Т.Бойко, Т.Гайворонская, Г.Губа, Н.Додокина, В.Зябкина, И.Киселева,

Лю.Линь, Р.Решетникова, Е.Таранова, Л.Труфанова, С.Чечина кабиларнинг тадқиқотларида мусиқа-театр фаолияти орқали мактабгача катта ёшдаги болаларда мусиқий қобилиятни шакллантириш, театр фаолияти асосида мактабгача катта ёшдаги болаларда эмпатияни ривожлантириш, этномаданиятни тарбиялаш, оилавий театр орқали оиланинг тарбиявий имкониятларини ошириш, халқ педагогикаси асосида оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалалари ёритиб берилган.

Хорижлик олимлардан Т.Коллен, Р.Бикер-Вайт, Д.Зубейде, Б.Чрисси Иоанноу, М.Моррис, Н.Голдман, Э.Безани Члое кабилар томонидан мактабгача ёшдаги болаларни театр воситасида бадиий-эстетик, ахлоқий ривожлантиришнинг концептуал асослари бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-4-108. “Ёшларда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини таъминлаш: муаммо ва вазифалар” (2009-2011 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўғирчоқ театри воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш” тушунчасининг мазмун-моҳиятини очиб бериш;

кўғирчоқ театри санъатининг мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришдаги имкониятларини аниқлаштириш;

кўғирчоқ театри воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш моделини такомиллаштириш;

мактабгача катта ёшдаги болаларнинг ахлоқий-эстетик сифатларини шакллантиришнинг методик тизимини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Андижон, Сирдарё, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги мактабгача таълим ташкилотларининг 302 нафар респондент-тарбияланувчилари жалб қилинди.

Тадқиқотнинг предмети кўғирчоқ театри воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келувчи кузатиш, суҳбат, эртақ терапия, проектив методика, моделлаштириш, қиёслаш, тажриба-синов ва математик-статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий (она Ватанга муҳаббат, меҳр-шафқат, раҳмдиллик, дўстлик, хурмат қилиш, меҳнатсеварлик, интизомлилик) ва эстетик (гўзалликни ҳис қилиш, атроф-муҳитдаги гўзалликни кўра олиш, идрок этиш, моҳиятини англаш ва яратиш, бадий дид) сифатларни шакллантириш жараёни босқичлари ижтимоий ва педагогик омиллар таъсирининг қайта алоқага киришувини ҳисобга олиш асосида аниқлаштирилган;

мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришнинг педагогик имкониятлари мулоқот (идентификация, эмпатия) ва ахлоқий (ахлоқий меъёрларга онгли муносабат ва шахсий ахлоқий нуқтаи назар) ривожланиш соҳасига кўғирчоқ театри ва миллий музиканинг ўзаро уйғун эмоционал ифодавийлик даражасини кучайтириш асосида аниқлаштирилган;

кўғирчоқ театри воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш моделининг амалий компоненти миллий музика ёрдамида ижро этиладиган махсус кўғирчоқ спектаклларининг театр педагогикаси (жисмоний ҳаракатлар, ролли ҳаракатлар, этюдлар) талаблари билан интегратив алоқасини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

мактабгача катта ёшдаги болаларнинг ахлоқий-эстетик сифатларини шакллантиришнинг методик тузилмасининг (мазмун, таркибий асослари, йўналишлари) артпедагогика билан ўзаро уйғунлашув даражаси материални ўзлаштиришдаги тўсиқларни бартараф этиш ва фикрлаш жараёнларини фаоллаштирувчи ижодий-изланишли вазиятларни интенсификация қўллаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

кўғирчоқ театри воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш мезонлари ишлаб чиқилган;

мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришга доир машғулотлар ишланмалари ишлаб чиқилган;

кўғирчоқ театри воситасида машғулотларни ташкил этишнинг методик тузилмаси ишлаб чиқилган;

кўғирчоқ театри воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, ҳулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти мактабгача педагогика фани мактабгача ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришга оид назарий

ёндашувлар, қарашлар, илғор тажрибалар билан бойитилганлиги; мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришга оид театрлаштирилган кўғирчоқ ўйинларининг тавсифи, шакллари, тайёрлаш мазмуни, технологияси ва тарбиячиларнинг ижодий фаолиятга тайёрлашга йўналтирилган илмий-методик тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини белгилаш орқали ҳамкорликдаги бадиий-ижодий фаолиятни ташкил этишнинг методик шартлари аниқлаштирилганлиги, кўғирчоқ театри воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришнинг методик шарт-шароитларининг такомиллаштирилганлиги, артпедагогика ва ахлоқий-эстетик тарбия интеграциясини таъминлаш механизмларининг аниқлаштирилганлиги, мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларини шакллантиришнинг арт-технологиясининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўғирчоқ театри воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш жараёни босқичларини аниқлаштириш, ижтимоий ва педагогик омиллар таъсирининг қайта алоқага киришувини ҳисобга олишга доир таклиф ва тавсиялардан “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси” ва мактабгача таълимга оид ўқув-меъёрий хужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2019 йил 8 апрелдаги 03-01/1-768-сон маълумотномаси). Натижада мактабгача таълим тизимида маънавий тарбияни ташкил этиш, тарбияланувчиларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш самарадорлигини оширишга эришилган;

мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришнинг педагогик имкониятларини аниқлаштириш, мулоқот ва ахлоқий ривожланиш соҳасига кўғирчоқ театри ва миллий мусиқанинг ўзаро уйғун эмоционал ифодавийлик даражасини кучайтириш, кўғирчоқ театри воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш моделининг амалий компонентини миллий мусиқа ёрдамида ижро этиладиган махсус кўғирчоқ спектаклларининг театр педагогикаси талаблари билан интегратив алоқасини таъминлашга доир амалий таклиф ва тавсиялардан ИТД-4-108 рақамли “Ёшларда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини таъминлаш: муаммо ва вазифалар” (2009-2011 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2019 йил 8 апрелдаги 03-01/1-768-сон маълумотномаси). Натижада мактабгача ёшдаги болаларда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигига доир дастлабки тасаввурларни шакллантиришда театр педагогикасидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган;

мактабгача катта ёшдаги болаларнинг ахлоқий-эстетик сифатларини шакллантиришнинг методик тузилмасининг артпедагогика билан ўзаро

уйғунлашув даражасини ҳисобга олиш, материални ўзлаштиришдаги тўсиқларни бартараф этиш ва фикрлаш жараёнларини фаоллаштирувчи ижодий-изланишли вазиятларни интенсив қўллашга доир таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 391-сонли қарорига 1-илова билан тасдиқланган “Умумий типдаги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тўғрисида”ги низом лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2019 йил 8 апрелдаги 03-01/1-768-сон маълумотномаси). Натижада мактабгача таълим ташкилотларида креатив фаолиятга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишга қўйиладиган педагогик талабларни белгилашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан 1 та ўқув-методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 140 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Мактабгача катта ёшдаги болаларда кўғирчоқ театри воситасида ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида болаларни ахлоқий-эстетик ривожлантириш мактабгача таълим назариясининг муҳим муаммоси эканлиги, кўғирчоқ театрининг пайдо бўлиши, тарихий илдизлари ва тарбиявий аҳамияти, тарбияланувчиларда ахлоқий-эстетик сифатларни кўғирчоқ театри воситасида шакллантиришнинг назария ва амалиётдаги ҳолати баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 7 июлдаги 4-сонли Ҳайъат йиғилиши қарори билан тасдиқланган “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг ўқув дастурида “Мактабгача

ёшдаги болаларга таълим беришда компетенциявий ёндашув ўсиб бораётган бола шахсини ҳаётга тайёрлаш, унда ҳаётий муҳим масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган, ахлоқий меъёр ва қадриятларни ўзлаштириш, бошқа инсонлар билан мулоқот қилиш, “Мен” образини қуриш билан боғлиқ бўлган фаолият усулларини шакллантиришга тайёргарликни кўзда тутиши белгилаб берилган. Жумладан, “Ижодкорлик” соҳасидаги ўқув-тарбиявий фаолият якунига етганидан сўнг 6-7 ёшли бола қуйидаги лаёқатларга эга бўлиши кўрсатиб ўтилган: санъат ва маданиятга қизиқишни намоён қилади; миллий анъаналарни қадрлайди ва уларни кундалик ҳаётнинг бир қисми сифатида идрок этади; санъатнинг муайян турини афзал кўришини мустақил равишда ифодалайди; олинган билим ва кўникмалардан турли ҳаётий вазиятларда ўз ижодий режаларини тузиш ва татбиқ қилиш учун фойдаланади; инсоннинг дунёни ўзгартиришдаги яратувчанлик ролини тушунади.

АҚШ олимлари ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришнинг асосий мақсадларидан бири шахс ва муҳитнинг эмоционал таъсир даражасини барқарорлаштириш, ижобий йўналганликка эга субъектив тажрибани бойитиш, деб ҳисоблашади. Эмоционал мувозанат ғоясининг изчил баён этилиши “санъат орқали терапия” концепцияга асосланади. Жумладан, Ж.Пиаже тадқиқотларининг марказий объекти сифатида бола интеллектини ривожлантириш алоҳида ўрин эгаллайди. Шу сабабли олим томонидан жамиятнинг ахлоқий-эстетик онги мазмун-моҳиятини ўзлаштириш меъёри сифатида боланинг ахлоқий тасаввурлари генезиси алоҳида таҳлил этилган. Ахлоқий-эстетик онгнинг ривожланиш босқичлари интеллектнинг намоён бўлиш даражалари билан уйғун кечади.

Шунингдек, боланинг ахлоқий-эстетик шаклланишини изоҳлашда инсонпарварлик психологияси намоёндаларининг ҳиссасини алоҳида эътироф этиш лозим. Мазкур йўналиш намоёндалари (К.Роджерс, А.Маслоу, В.Франкл, Р.Мэй) ижодий салоҳиятини амалга оширишга туғма қобилиятига эга индивид ўзининг ахлоқий-эстетик ривожланишини мустақил белгилай олишини алоҳида эътироф этиб ўтишган.

Ахлоқий-эстетик тарбиянинг долзарб муаммоларига доир турли фан соҳаларида илмий изланишлар амалга оширилган. Шу билан бирга, бизнинг тадқиқот мавзумиз билан боғлиқ масалалар тўлиқ ўз ечимини топмаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Адабиётлар таҳлили ва амалиётдаги мавжуд эҳтиёжларни ўрганиш асосида тадқиқот муаммоси – кўғирчоқ театри воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларнинг ахлоқий ва эстетик тарбиясининг ўзаро уйғунлигини таъминлашнинг методик шарт-шароитларини аниқлаштириш ва ана шу асосда яхлит тарбия жараёнининг мазкур жиҳатлари самарадорлигини ошириш тарзида белгилаб олинди.

Ахлоқий-эстетик сифатлар кенг маъноли тушунча бўлиб, унинг замирида табиат, ижтимоий ҳаёт, турмуш ва санъатга муносабатни тарбиялаш ётади. Мактабгача ёшдаги болаларни ахлоқий тарбиялаш мазмуни Она ватанга муҳаббат, меҳр-шафқат, раҳмдиллик, дўстлик, ҳурмат қилиш, меҳнатсеварлик, интизомлилик, гўзалликни ҳис қилиш, атроф-муҳитдаги гўзалликни кўра олиш, идрок этиш, моҳиятини англаш ва яратиш, бадиий

дид каби сифатлар мажмуини ўз ичига олади (1-расмга қаранг). Болаларни гўзалликни идрок этиш орқали тарбиялаб борилар экан, аста-секин уларда ўзгаларнинг хурсандчиликларига шерик бўлиш, ҳамдардлик билдириш, қайғуриш каби хусусиятлар таркиб топа бошлайди.



1-расм. Мактабгача катта ёшдаги болаларда шакллантириладиган ахлоқий-эстетик сифатлар тизими

Тадқиқотга доир қатор атамаларни талқин этиш орқали “мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириши” тушунчасига муаллифлик ёндашуви асосида қуйидагича таъриф берилди: ижтимоий ва педагогик омиллар таъсирида боланинг билиш фаоллиги ва эмоционал ривожланишига жадал таъсир кўрсатувчи, ахлоқий-эстетик тасаввурлар ва ҳис-туйғуларни шакллантиришга хизмат қилувчи ижтимоий-маданий фаолият билан боғлиқ мураккаб жараён дир.

Мактабгача ёшдаги болалар хулқ ва муомаланинг кўпгина усулларини қисқа муддат ичида ўзлаштирадilar. Улар ён-атрофидагиларнинг хатти-ҳаракатларини синчковлик билан кузатадилар. Катталарнинг юриш-туриши, муносабати, ўзини тута билиши, нутқи ва хатти-ҳаракатига тақлид қиладилар. Натижада ўз тенгқурлари билан мулоқотда бўлишга эҳтиёж сеза бошлайдилар. Бу жараёнда катталарнинг, хусусан, ота-оналар ва тарбиячиларнинг кўрсатмалари, ибрат-намунаси муҳим ўрин тутади.

Бу борада мактабгача таълим ташкилотларининг қўғирчоқ театри билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилиши болаларнинг ахлоқий-

эстетик ривожланишига жадал таъсир кўрсатади. Айниқса, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга ҳурмат, уларнинг қадимий қўғирчоқбозлик санъатига бўлган қизиқишларини кучайтириш, халқаро ва республика миқёсида ўтказилган қўғирчоқбозлик кўрик-танловлар ғолиблари билан танишиш имкониятини беради.

Тадқиқот натижалари асосида қўғирчоқ театрининг мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-сифатларни шакллантиришга доир қуйидаги тарбиявий имкониятлари аниқлаштирилди: болаларнинг воқеликни идрок этиш эҳтиёжига мослиги; воқеалар ривож ва инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни қизиқарли ва тушунарли эканлиги; ахлоқий-эстетик тасаввурлар дунёсига жалб этиш; санъатдаги воқеъеликни бадиий ифода этишнинг ўзига хосликлари ҳақидаги дастлабки тасаввурларни ҳосил қилиши.

Қўғирчоқ театрининг мактабгача катта ёшидаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятининг ўзига хосликларини аниқлаш учун улар ҳаётининг барча томонлари, шу жумладан, санъат асарларини идрок этишига доир қуйидаги асосий психофизиологик хусусиятларига эътибор қаратилди: мазкур ёш даврининг ҳиссий-эмоционал бойлиги; тақлиф этилаётган материалга боланинг ёрқин, ижобий, эмоционал муносабатини пайдо қилишни талаб этадиган диққат, хотира, тасаввурнинг махсус шакллари эгаллаш; мулоқотга киришувчанликни ривожлантириш ва боланинг суэт тингловчидан воқеликнинг фаол иштирокчига айлантириш; эгоцентризмни бартараф этиш ва эмпатияни ривожлантириш зарурати; боланинг ахлоқий-эстетик сифатларини фаол ривожланишини давом эттириш, унинг ички ахлоқий-эстетик нуқтаи назарини таркиб топтириш; ҳаётга ишонч, муҳаббат ва эзгуликни тарбиялаш; болаларга табиатан инъом этиладиган эмоционаллик ва беғуборлик.

Демак, мазкур ёш даврида қўғирчоқ театри бола ривожланишининг психофизиологик ўзига хосликлари билан боғлиқликда; бундан ташқари мулоқот соҳалари (идентификация, эмпатия) ва ахлоқий соҳаларнинг (боланинг ахлоқий меъёрларга эмоционал муносабатини пайдо қилиш жараёнини тезлаштириш ва шахсий ахлоқий нуқтаи назарни таркиб топтириш) муваффақиятли ва самарали ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Аниқлаштирувчи тажриба-синов ишлари жараёнида қўғирчоқ театри воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришда қатор муаммоларнинг мавжудлиги аниқланди. Жумладан:

1) тарбиячиларнинг аксарияти қўғирчоқ театри ва унинг тарихидан яхши хабардор эмас;

2) қўғирчоқ театри турлари ва унинг тарбиявий имкониятларини аниқ тавсифлаб бера олишмайди;

3) қўғирчоқ театрини ташкил этишда болалар фаолиятини тўғри режалаштира олишмайди;

4) қўғирчоқ театрини ташкил этиш жараёнида эртакларни оқилона танлаш ва саҳналаштириш малакалари яхши ривожланмаган;

5) тадқиқот объекти сифатида танланган айрим мактабгача таълим ташкилотларида деярли кўғирчоқ театридан фойдаланилмайди.


Мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадида таълимий тажриба-синов ишлари жараёнида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш мақсад сифатида белгиланди: кўғирчоқ театри воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларини шакллантириш моделини ишлаб чиқиш, мактабгача таълим-тарбия жараёнида кўғирчоқ театрини ташкил этиш технологиясини такомиллаштириш, артпедагогика воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш йўллари кўрсатиб бериш.

Диссертациянинг **“Кўғирчоқ театри воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида кўғирчоқ театри воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш модели, мактабгача таълим-тарбия жараёнида кўғирчоқ театри фаолиятини ташкил этиш технологияси ва артпедагогика воситасида тарбияланувчиларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш йўллари ёритиб берилган.

Мактабгача ёшдаги болаларни театр томошаларига ошно қилиш, уларнинг кўғирчоқ ўйинларини ташкил қилишдан мақсад: болалар учун ижодкорлик, фаолликни таъминловчи шарт-шароит яратиш; театр кўриш одобига ўргатиш; театр томошалари жараёнида болаларнинг нутқи ва жисмоний ривожланишидаги узвийликни таъминлаш; халқ яратган бой меросимизга бўлган муҳаббат ҳиссини уйғотиш; кўғирчоқ театрини ота-оналар билан ҳамкорликда ташкил қилиш имкониятини яратишдан иборатдир.

Мактабгача таълим ташкилотларида кўғирчоқ театрларини тайёрлаш ва томошалар кўрсатиш мазмунини босқичма-босқич амалга ошириш ижобий имконият беради: *Биринчи босқич*. Мактабгача таълим ташкилотида кўғирчоқ театрини тайёрлашда жиҳозлар яъни моддий таъминотни амалга оширишда: манба танлаш (эртак танлаш). Танланган эртак боланинг ёшига мос келиши; мусиқа танлаш; кўғирчоқ театрини кўрсатиш режасини тузиш. *Иккинчи босқич*: кўзланган мақсадга эришишда эртак мазмунига кўра қаҳрамонларни танлаш ва сўзларини ёд олдириш; кўғирчоқларни яшаш ва кийинтириш; тарбиячи билан ҳамкорликда шеърларни ёд олиш. *Учинчи босқич*: тарбиячи ва болалар билан ҳамкорликда театр турига кўра эртакни сахналантириш; кўғирчоқ театрини намойиш этиш, болаларни қизиқишлари ва уларга ёққан қаҳрамонлар ҳақидаги фикрларини аниқлаш.

Мазкур босқичларга асосланган ҳолда кўғирчоқ театри воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш модели ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).



2-расм. Қўғирчоқ театри воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш модели

Модел ўзида қуйидаги компонентларни акс эттирди:

1. Аниқ мақсадга йўналтирилганлик. Мазкур компонент умумий (қўғирчоқ театри воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларни ахлоқий-эстетик ривожлантиришнинг юқори даражасига эришиш), аниқ (эмоционаллик ва сезгирлик; ахлоқий-эстетик идрок этишни мақсадга йўналтирилган тарзда ривожлантириш; ахлоқий-эстетик меъёрлар ва қадриятларни шакллантириш) мақсадларни ва мотивацион, жараёнли ва рефлексив компонентларнинг ўзаро алоқадорлигини акс эттирувчи ахлоқий-эстетик ривожланишнинг шахсий жиҳатини ўзида акс эттирди.

2. Фаолият мазмунини танлаш. Мазкур компонентда ўзаро бир-бири билан мустаҳкам алоқадор ва ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи иккита йўналиш белгилаб олинди: а) спектаклда акс этган кайфият ва ҳис-туйғуларни англаш ва ҳайратланишга ўргатиш орқали эмоционал сезгирликни ривожлантириш, эстетик идрок этишни бойитиш; б) спектаклдаги қаҳрамонлар фаолиятини баҳолай олиш қобилияти, ахлоқий меъёрларга амал қилиниши ва бузилишига шахсий муносабатни таркиб топтириш ёрдамида ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш.

3. Педагогик жараённи ташкил этиш компоненти қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган ўзаро биргаликдаги фаолиятни ташкил этишга асосланган шакл, метод ва воситаларни очиб беради. Асосий ташкилий шакл сифатида миллий мусиқа ёрдамида ижро этиладиган махсус қўғирчоқ спектакллари белгиланди. Мазкур иш шаклининг асосий ютуғи мактабгача катта ёш даври учун муҳим ҳисобланган дидактик тамойиллар – кўргамалилик ва мустаҳкамлик билан бевосита боғлиқлигидир. Асосий методлар сифатида тарбия методлари (онгни шакллантириш, фаолиятни ташкил этиш ва хулқ-атвор тажрибасини таркиб топтириш), таълим методлари (кўргазмали, вербал, муаммоли-изланишли), театр педагогикаси методлари (жисмоний ҳаракатлар, ролли ҳаракатлар, этюдлар) белгилаб олинди. Восита сифатида қўғирчоқ театри ва миллий мусиқа хизмат қилди. Мазкур воситалар ўзаро бир-бирини тўлдириб, спектаклни томоша қилиш жараёнида болаларда воқеъликка ахлоқий-эстетик муносабатни жадаллаштиришга имкон беради.

4. Таълимий моделнинг натижавий компоненти ўзида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларнинг шаклланганлигини ташхис этиш мезонлари ва даражаларини акс эттирди.

Тажриба-синов ишларини олиб боришда таълимий-тарбиявий машғулотлар, қўғирчоқ ўйин томошалари мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантиришнинг таъсирчан омилларидан бири эканлиги тасдиқланди. Шу билан бирга тарбиячи ва тарбияланувчилар учун турли қўғирчоқлар яшаш технологиялари ишлаб чиқилиб, бевосита мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятида қўлланилди.

Тадқиқот жараёнида қўғирчоқ театрининг арттехнологиянинг бошқа турлари билан интеграциясини таъминлаш мақсадида артпедагогика

воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш йўллари ҳам тадқиқ этилди.

Артпедагогика ёки санъат воситасида тарбиялаш болаларда эркин ва эмоционал бойитилган муҳитда ахлоқий-эстетик муносабатларни шакллантиришга имкон берувчи педагогик инновацион технология сифатида экспрессив санъат ёрдамида шахсга таъсир кўрсатишга ностандарт, ноанъанавий ёндашув дастурини ўзида акс эттиради. Шунинг учун турли ҳаракат воситалари, рақс, тасвирий санъат, мусиқа, импровизациядан фойдаланиш имконияти юзага келади. Экспрессив санъат воситалари кутилмаган ижодий фикрлар, ғоялар ва эмоционал реакцияларни пайдо қилиб, онг ости ҳолатини фаоллаштириш даражасида таъсир кўрсатиш имконини беради.

Артпедагогика санъат воситасида болаларни ҳар томонлама ривожлантиришга асосланган технологиялар мажмуидир:

- тасвирий (изо) технология: расм чизиш, бармоқ санъати, ранг бериш, фотография;

- музикаий технология: мусиқа асбоблари ёрдамида новербал суҳбатлашиш, графикли ва тасвирий ифодага асосланган музикаий фаолият;

- хореография: рақсли-ҳаракатлантирувчи, тана ҳаракатини ривожлантирувчи технологиялар (тана ёрдамида ҳис туйғуларни ифода этиш);


- инсоний муносабатларни эртақлар ёрдамида идрок этиш, баҳолаш ва яратиш технологияси (эртақтерапия);

- ўйин ва театр педагогикасига асосланган технология, кўғирчоқ терапия (имаготерапия);

- бадий ва қўл меҳнатига асосланган технология.

Артпедагогика ўз моҳиятига кўра, бадий фаолият технологияси ҳамда педагогик метод ва воситалар мазмунини ўзида бирлаштирувчи интегратив билимлар соҳасини акс эттиради. Бизнинг тадқиқотимиз предмети артпедагогиканинг бир оз чегараланган, локал таркибий қисмини акс эттириб, мактабгача ёшдаги ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашда артпедагогика имкониятидан фойдаланишдир. Шубҳасиз, педагогик жараённинг ҳар бир таркибий қисмида янги, янада такомиллаштирилган хусусиятларни ҳосил қиладиган ахлоқий-эстетик тарбия метод ва воситалари билан олам манзарасини бадий идрок этиш ва ўзгартириш восита ҳамда технологияларининг ўзаро ҳаракати намоён бўлади.

Тадқиқот жараёнида артпедагогика ва ахлоқий-эстетик тарбия интеграциясини таъминлашга хизмат қилувчи методик тизим ишлаб чиқилди (3-расмга қаранг). Бунда мактабгача катта ёшдаги болаларнинг ахлоқий-сифатларини шакллантиришга қаратилган яхлит педагогик жараён компонентлари асос сифатида олиниб, артпедагогика, интеграцион жараён ва ахлоқий-эстетик тарбия билан вертикал ва горизонтал боғлиқликлар ҳосил қилинди.



3-расм. Артпедагогика ва ахлоқий-эстетик тарбия интеграциясини таъминлашнинг методик тизими

Диссертациянинг “**Мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш самарадорлиги**” деб номланган учинчи бобида мактабгача катта ёшдаги болаларнинг ахлоқий-эстетик сифатларини шакллантиришга доир тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари ёритиб берилган.

Тажриба майдонлари сифатида Андижон вилоятининг Балиқчи туманидаги 23, Мархамат туманидаги 23, Асака шаҳридаги 32, 40, 38, Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳридаги 20, 21, Наманган шаҳридаги 1, 52, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрининг 9, 19-сонли мактабгача таълим ташкилотлари танлаб олинди.

Тажриба-синов ишларининг мақсад ва вазифалари билан боғлиқликда унинг иккита босқичи белгилаб олинди: аниқлаштирувчи ва шакллантирувчи.

Аниқлаштирувчи босқичда қуйидаги вазифалар ҳал этилди:

- педагогик амалиётда қўғирчоқ театри воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларни ахлоқий-эстетик сифатларини шакллантиришнинг оммалашуви ҳолатини ташхис этиш;

- мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларнинг шаклланганлик даражасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

- мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик фазилатларнинг шаклланганлигини дастлабки даражасини аниқлаш.

Аниқловчи тажриба-синов ишларининг дастлабки босқичида анкета, суҳбат, кузатиш, мавжуд педагогик амалиётни таҳлил этиш асосида қўғирчоқ театри воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларнинг шаклланганлик ҳолати ҳақидаги бирламчи маълумотлар қўлга киритилди.

Натижада мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш жараёнини такомиллаштириш зарурати мавжудлиги, унинг муваффақиятли амалга ошиши кўзда тутилган сифатларнинг шаклланган даражасини ташхис этишнинг аниқ ва ўз вақтида амалга оширилишига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги аниқланди.

Болалар фаолиятини бевосита ва билвосита кузатиш ҳамда ахлоқий-эстетик сифатларнинг шаклланганлигини аниқлашга доир бизгача ишлаб чиқилган кўрсаткичларга асосланиб, мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларнинг шаклланганлигини баҳолашнинг қуйидаги мезонлари аниқлаштирилди:

- юқори эмоционаллик ва сезгирлик;
- ахлоқий сифатларнинг барқарор намоён бўлиши;
- ахлоқий-эстетик қадриятларнинг шаклланганлиги;
- спектаклларни томоша қилиш, мусиқани тинглаш жараёнида диққатнинг барқарорлиги;
- воқеликка мос ички ва ташқи таъсирнинг намоён бўлиши;
- қўғирчоқ театри санъатига қизиқишнинг барқарорлиги.

Тадқиқот жараёнида мактабгача катта ёшдаги болаларда ахлоқий-эстетик сифатларнинг шаклланганлик даражалари аниқланди ва

тавсифланди. Қуйида уларнинг сифат кўрсаткичлари тавсифини келтириб ўтамиз:

Биринчи даража (наст):

- эмоционаллик деярли намоён бўлмайди, ахлоқий меъёрларга шахсий эмоционал муносабат мавжуд эмас;
- воқеликни идрок этиш, шахслараро ўзаро муносабатларни таҳлил этиш ситуатив тавсифга эга;
- спектаклларни томоша қилишда воқеликка ва мусиқага бефарқ муносабатда бўлиш, диққатнинг қисқа муддатлилиги, бошқа фаолият тури билан машғул бўлишга ҳаракат қилиш, воқеликка мимик ва нутқий таъсирларнинг мос эмаслиги; спектакл томошасидан сўнг берилган топшириқларга қизиқиш мавжуд эмас, расмларни чизишда пала-партишлик ва эстетикликнинг йўқлиги.

Иккинчи даража (ўрта):

- ҳаётий воқеалар ва ахлоқий вазиятлар билан дуч келиш ҳамма вақт ҳам воқеликка ва асар мазмунига мос эмоционал таъсирни пайдо қилмайди;
- ахлоқий-эстетик сифатларнинг барқарор намоён бўлмаслиги;
- кундалик хатти-ҳаракатларга бир хил типда баҳо бериш;
- спектаклларни томоша қилишда воқеликка ва мусиқага қизиқиш намоён бўлади, диққат барқарор эмас, шунинг учун воқеликка мимик ва нутқий таъсирлар ёрқин ифода бўлмайди, топшириқларни бажаришга стандарт ёндашади, расмларни чизишда эмоционал иштиёқ сезилмайди.

Учинчи (юқори):

